

УЎТ. 633.51.631.51.527.

**"ТАНЛОВ НАВ СИНОВИДАГИ ТИЗМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ
НАТИЖАЛАРИ"**

Қосимов Абдурашид қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий
ходим.

Эгамов Хусанбой қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Абдурахмонов Илхомжон Адхамович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
ПСУЕАИТИ Андижон ИТС директори.

Бахромов Шукурулло Сайдуллаевич мустақил изланувчи.

Қосимов Бахтиёр Абдурашидович қишлоқ хўжалиги
фалсафа фанлари доктори
ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси.

Аннотация Мақолада, 2020-2022 йилларда 12 та тизма ва андоза Андижон-36 навиға таққослаб ўрганилгани келтирилган. Тадқиқотдаги тизмаларнинг 1-август кузатувида тизмалар орасида бўйига ўсишда 92-Т, 4-Т, 167-Т каби тизмалар андозага нисбатан юқори бўй кўрсатиб пешқадамлик қилдилар. Қолган тизмалар андоза билан тенг ҳамда паст кўрсаткич намоён қилдилар.

Аннотация

В статье, приведены изученные 12 линии сравнивая со стандартом сортом Андижан-36 в 2020-2022 гг. При наблюдении в исследовании 1 августа 92-Л, 4-Л и 167-Л по приросту высоты выше было по сравнению со стандартом. Остальные линии показали такие же и более низкие показатели.

Annotation

In the article, the studied 12 lines are compared with the standard variety Andijan-36 in 2020-2022. When observed in the study on August 1, 92-L, 4-L and 167-L were higher in height compared to standard. The remaining lines showed the same and lower rates.

Калит сўзлар. Пахта, тизма, ҳосилдорлик, 50 фоиз гуллаши, 50 фоиз очилиши, кун, кўсак, тажриба, Давлат, нав синови.

Ключевые слова. Хлопок, линия, урожайность, цветение 50%, раскрытие 50%, день, коробочка, опыт, Государство, сортоиспытание.

Keywords. Cotton, line, yield, flowering 50%, opening 50%, day, box, experience, State, variety testing.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажмасининг 2004 йил 23 декабрдаги 604-сонли “Ўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисидаги” қарорида таъкидлаб ўтганларидек “Ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иклим шароитларига мос бўлган ўза навларини яратиш ва уларни ўзига хос агротехнологияларини ишлаб чиқиш” каби устивор вазифаларни селекционер олимлар ва мутахассислар олдига қўйдилар.

“Уруғчилик тўғрисида”ги махсус қонунлар қабул қилинганлиги селекция ва уруғчилик ишларига Давлат томонидан катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Кейинги йилларда ўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича тегишла Қарорларини қабул қилиниши Республикамиздаги пахтачилигини янада ривожлантиришда, пахтадан юқори ҳосил олиш, тола чиқимини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш асосий омиллардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги ўза навларини яратиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ҳозирги кунда нафақат Андижон вилояти балки Республиканинг вилоятлари пахтачилигида жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган рақобатдошли эртапишар, серҳосил, юқори сифатли пахта ҳосилини таъминловчи янги навлар ва уларга мос агротехнологияларни яратиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Изланишлар натижасида кейинги йилларда ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси селекциячилари томонидан ўзанинг Андижон-35, Андижон-36, Андижон-37 ва Ибрат каби навлар яратилди ва Давлат рејсстирига киритилди. Шунингдек ЎзПТИ-201, ЎзПТИ-202, ЎзПТИ-203, СП-204 навлари истиқболли деб қабул қилинди. Ҳозирги кунда бу навларнинг майдони кенгайиб бормоқда.

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра ҳосил шох чиқаришда андоза билан тизмалар орасида сезиларли фарқ кузатилмади. Ҳосил нишона пайдо қилишда 4-Т, 12-Т, 972-Т, 166-Т каби тизмалар андозага нисбатан юқори бўлган бўлса, қолган тизмалар андоза билан тенг ёки ундан паст кўрсаткич кузатилди. Бир туп ўсимликда кўсак ҳосил қилишда 92-Т, 971-Т, 166-Т каби тизмалар андозадан юқори қолган тизмалар андоза билан тенг бўлиши аниқланди. Ўсимликларнинг 50 фоиз очилиши кузатилганда 92-Т, 18-Т, 8-Т, 972-Т, 165-Т кабилар андозадан 1-2 кун эрта, қолганлари андоза билан тенг

гуллаши кузатилди. Нав ва тизмаларнинг 1-сентябр кузатувида тизмалар орасида ҳар бир ўсимликда кўсак сони жихатдан 92-Т, 4-Т, 971-Т, 167-Т каби тизмаларда андозага нисбатан 1-3 дона юқори эканлиги аниқланди. Қолган тизмаларда бу кўрсаткич андозадан паст эканлиги маълум бўлди. Ҳар бир ўсимликда очилган кўсақлар сони бўйича ҳам юқоридаги маълумот кузатилди. Тажриба натижаларига кўра 167-тизма СП-210 ва 971-тизма СП-211 номи билан Давлат нав синовиға топширилди.

Олинаётган илмий манбалар ва тадқиқот ишлари ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясида 2020-2022 йилларда олиб борилган. ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясидаги тажриба даласининг тупроқ оч тусли бўз, азалдан суғориладиган, сизот сувлари 3-5 метр чуқурликда жойлашган. Тажрибада тизмалар 4 қайтариқда, 4 қаторли, 50 уяли, 90 x 20-1 тартибда жойлаштирилган. Андоза учун Андижон-36 нави экилган. Кузатув ва ҳисоб-китоблар “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ-2007). Тадқиқот маълумотларининг математик ишлови Б.А.Доспеховнинг “Методика полевога опыта” (М.Колос,1985) услуби асосида бажарилган.

Тажрибада тизмаларни ўсиши ва ривожланиши ҳам ўрганилиб унда 12 та тизма, андоза IV тип учун Андижон-36 навиға таққослаб ўрганилган. Тадқиқотдаги нав ва тизмалар 1-июнь кузатувида (жадвал) куйидаги натижа ва маълумотларни кўришимиз мумкин. Ўсимликлар бўйича ўсишда тажрибадаги барча тизмалар андоза нав Андижон-35 навиға нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Чин барг ҳосил бўлишида тизмалар билан андоза нав орасида сезиларли фарқ кузатилмади.

— Жадвал. Нав ва тизмаларнинг хўжалик учун қимматли белгилари

№	Нав ва тизмалар	Амал даври, кун	Ҳосилдорлик, ц/га	1 кўсак пахта оғирлиги, г	Тола чиқиши, фоиз	Тола узунлиги, мм
1	Андижон-36	124	38,1	5,8	38,2	33,4
2	92-Т	125	44,0	5,7	37,2	33,8
3	18-Т	123	43,5	6,3	37,7	34,0

4	8-T	124	42,1	5,7	37,0	33,1
5	4-T	127	43,1	5,9	36,7	33,7
6	12-T	127	41,7	5,5	37,3	33,3
7	970-T	128	41,2	5,8	36,8	32,8
8	971-T	122	43,6	6,5	38,0	33,5
9	972-T	127	43,5	5,6	37,1	33,0
10	165-T	126	42,7	5,7	38,1	33,2
11	166-T	127	38,9	5,9	36,6	32,6
12	167-T	120	40,9	6,1	38,1	34,1
13	9-T	128	38,9	5,9	36,6	32,8

Тадқиқотда 1-июль фенологик кузатувида бўйига ўсишда тизмаларнинг кўпчилиги андозадан юқори бўй кўрсатган бўлса, тизмалар орасида 970-T, 972-T андозадан паст кўрсаткич намоён қилди. Ҳосил шох ва ҳосил нишона пайдо қилишда тизмалар орасида ва андоза навга нисбатан катта фарқ кузатилмади. Таҷрибадаги ўсимликларни 50 фоиз гуллаш кузатилганда тизмалар орасида 18-T, 971-T, 92-T, 970-T, 166-T, 165-T кабилар андозага нисбатан 2-3 кун эрта гуллаши маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Қосимов А. «Комбинационная способность сорта хлопчатника вида г. Хирзутум и селекции засухоустойчив их линии». Автореферат. Тошкент, 1993г, 1- 21 б.
2. Мусаев Д.А. “Проблемы генетики хлопчатника на примере Госс. хирзутум”. Автореферат док. дисс. Ташкент, Гос. Университет, 1977г.
3. Мусаев Б.С., Жамолова Ф. «Уруғларнинг униш суратига ташқи муҳит омилларнинг таъсири». Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998 й, 53-б.
4. Эгамов Х., Комилов Т., Дадажонов М. «Вўзанинг янги линиялари уруғини жадал усулда кўпайтириш». Китоб: Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998, 149-153